

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA



• 2006-yil • 23-may • Seshanba • 59 (27.551) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Муносабат

ҚАЛБЛАРГА МУҲРЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Бухорога ташрифи вилоят аҳлини янги бунёдкорлик ишларига янада руҳлантириб юборди

Давлатимиз раҳбарининг ҳар гал Бухоро вилоятига қилган ташрифи янги ташаббуслар, бунёдкорлик ишларига асос бўлади. Илгариги ташрифлар самарасини бугун Бухоронинг кекса-ю ёши Хожа Абдуллоҳиқ Фиждувоний, Баҳроуддин Нақшбанд зиёратгоҳларининг ободлиги-ю, Чорбақ тарихий-меморий ансамблининг қайта тикланиши, Шарқ гавҳари — Бухорои шарифнинг ҳозирги фусункор жамоли тимсолида кўришмоқда.

Шу йилнинг 18 май куни ҳам бухороликлар учун унутилмас лаҳзалар, самимий мулоқотлар, янги режаларга бой сана сифатида ёдда қолди. Чунки давлатимиз раҳбари билан бўлган учрашув ва суҳбатлар келажиги буюк мамлакат тақдирига, унинг эртанги истиқболига ҳар бир инсон бурчли ҳамда масъул эканлигини яна бир бор юртдошларимиз қалбига сингирди.

— Истиқбол йилларида, — дейди биз билан суҳбатда «Нуроний» жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими раиси Ориф ҳожи Хўжаев, — биргина қадимий шахримиздаги ўзгаришларнинг ҳар бирида Президентимизнинг доно маслаҳатлари, ғамхўрликлари мўжассамдир. Қадим шаҳарнинг 2500 йиллик тўйи ҳам бевосита Ўртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ўтказилди. Қоровулбозорда ишга туширилган Марказий Осиёда тенги йўқ Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи барло этилиши ҳам, мана бугун шаҳар Марказий истироҳат боғининг тўдан таъмирланиб, бутунлай янгича қиёфа касб этиши, унда Хотира майдонининг ўрин олиши ҳам — ҳамма-ҳаммаси Мустақиллик шарофати, Президентимиз эътибори тўғрисида кўзга келди.

Дарвоқе, қарийб 72 гектар майдонни эгаллаган боғга ташриф буюрган киши бугун хайратини яширолмади. Салкам икки ойда қуриб битказилган Хотира майдони ҳозирги пайтга келиб бухороликларнинг қутлуг қадимжосига айланди.

Айни чоғда Бухорода қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бир зум ҳам сусайгани йўқ. Хар гўшада яратувчанлик, ободончилик билан банд кишиларни учратиш мумкин.

— Шаҳримизда фаолият бошлаган диагностика маркази бу минтақа учун сув ва ҳаводек зарур эди, — дейди республика Шоишлик тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали директори, тиббий фанлари доктори Маъмур Абдурахмонов. — Президентимиз таъкидлаганидек, сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу марказда ишловчи ҳар бир ходим, аввало ширин сўз, беморларга самимий муносабатда бўлиши зарур.

Тарихдан ҳам маълумки, Бухоро ўзининг

қўлаб қадимий ёдгорликлари, қутлуг қадимжолари, гўзал обидалари билан донг таратиб келган. Баҳроуддин Нақшбанд зиёратгоҳи эса улар орасида алоҳида аҳамиётга эга. Бундан салкам икки йил илгари мазкур зиёратгоҳ Ўртбошимиз ташаббуси билан қайта таъмирланган эди. Давлатимиз раҳбари мажмуани зиёрат қиларкан, аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, улар маънавий меросини ўрганиш борасида ҳам муҳим фикрларни билдирди. Бу ердаги осойишталик, улғу пирга эҳтиром барчани эзгуликка чорлашини, ушбу ҳудудни иқлим шароитидан келиб чиқиб, табиий дов-дархатлар билан бойитиш зарур эканлигини таъкидлади.

— Ҳеч бир нарса Президентимиз назаридан четда қолмайди, — дейди Ўзбекистон Муслмонлар диний идорасининг Бухоро вилояти бўйича вакили Абдулғафур ҳожи Раззоқов. — Ўртбошимиз бу ерда зиёратчиларга қулайликлар яратиш зарурлигига алоҳида тўхталдилар.

Президентимиз ўз ташрифи давомида фермерлар аҳоли, уларнинг яшаш шароити, эришаётган ютуқлари, бу ҳаракатга тўсиқ бўлаётган нуқсонлар ҳақида ҳам тўхталдилар. Бухоро туманидаги «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги «Ғанипўлат», «Ҳожи» фермер хўжаликлари аъзолари билан бўлган мулоқотларда бу ҳақида атрофида фикр юритилди.

— Мен бахтли аёлман, — дейди «Ҳожи» фермер хўжалиги аъзоси Фароғат Иноятова. — Президентимиз билан шахсан гаплашдим, оиламиз шароити, фарзандларим келажиги билан қизиқдилар. Уларни тўйга тақлиф қилдим...

— Мамлакат раҳбарини даламизда бўлиши, бизга маслаҳатлар беришини ўйламагандим, — деб суҳбатга аралашди «Ғанипўлат» фермер хўжалиги раҳбари Субҳон Қаниев. — Ахир, бизга ўхшаганлар ернинг ҳақиқий эгаси бўлишида Ўртбошимиз қанчалик жон куйдирганини яхши билимиз. Бугун халқнинг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани кимни ҳам қувонтирмайди, дейсиз!

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасидаги бу учрашувлар вилоятда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда, ўзгаришлар мазмун-моҳиятини янада тараққий этганда, оддий одамларнинг эртанги кунга ишончи янада ошишида муҳим аҳамият касб этгани бухороликлар сўзларидан аққол кўриниб турибди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

Баркамол авлод орзуси



сафларига ўтиш учун ариза берган.

— Мен узоқ йиллар партия ташкилотларида ишлаганман, ХДП туман кенгашига етакчилик ҳам қилганман, — дейди коллеж раҳбари Хусан Умаров. — Партия фаоли сифатида ЎзХДПнинг айни пайтдаги ижтимоий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий фаолиятдан мамнунман. Одам-

лар бизга ишонимсоқда, сафларида бўлиш истагини билдираётганлар тобора кўпаймоқда.


Суратларда: кимё фани ўқитувчиси Феруза Комилла ва машғулот пайтида; коллеж биносининг кўриниши; кутубхонада; коллежнинг бир гуруҳ ўқувчилари.

Шавкат АҚРАМОВ
олган суратлар.



ЎЗХДП ФАОЛИ БОШ БЎЛГАН ЖОЙДА...

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида 31 та касб-хўнара коллежи фаолият кўрсатмоқда. ХДП фаоли Хусан Умаров раҳбарлик қилаётган Сирдарё туманидаги «Малик» агросаноат коллежида эса 517 нафар йигит-қиз молия, ҳисобчилик, ҳуқуқшунослик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва маъмурий фаолият йўналишлари бўйича касб-хўнара сирларини ўрганишмоқда. Атрофига 8 нафар ХДП аъзосини бирлаштирган коллеж бошланғич партия ташкилоти эса жаммоа фаолиятига доир барча тадбирларда бош-қош. Шу кунларда яна 6 киши ЎзХДП



Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон хотин-қизлар ташкилотлари форумида мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш истиқболлари муҳокама қилинди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳудудий хотин-қизлар кўмиталари раислари, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, тадбиркор хотин-қизлар иштирок этди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва «Меҳр» республика хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари бирлашмаси томонидан Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий уюшмаси ва «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси кўмагида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини жадаллаштириш учун давлат ҳамда тадбиркорлик тузилмалари, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги фаоллигини кучайтириш масаласи аниқ мақсадли давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президент

Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўлаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланган хотин-қизлар ишлари янада самарали бўлишига ёрдам бер-

ни ҳимоя қилиш учун барча зарур чоралар қўрилмоқда. Ўзбекистон ушбу соҳага таалуқли қўлаб-қувватлаш ҳамда ҳалқаро ҳужжатлар, жумладан БМТнинг «Аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенцияси ва Пекин ҳаракатлар платформасига қўшилди.

Хотин-қизларнинг иқтисодий

ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонлари ўз иштини бошлашни истовчилар, жумладан, хотин-қизлар учун ҳам янги истиқболларни очиб берди. Хотин-қизлар томонидан ташкил этилаётган корхоналар сони ортиб бормоқда. Бундан ташқари, уларга касаначилик билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилган.

С.Рашидова, «Меҳр» хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари бирлашмаси раиси З.Тўхтажўзаева, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси Д.Алимова, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ўринбосари С.Хасанов, Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Д.Мирзакаримов, нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий уюшмаси раиси Н.Ҳабибуллаев ва бошқалар шулар ҳусусида гапирди.

Бугун мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этувчи хотин-қизлар жамиятимизни барқарор ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда. Уларнинг муносиб ҳаёт кечирishi учун шароит яратиш, иқтисодий мустақиллиги, ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, профессионал даражасини оширишни таъминлаш гендер тенглигига эришишнинг пойдевори ҳисобланади. Мазкур мақсадлар форумда қабул қилинган қарорда акс эттирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири

ЎЗБЕКISTON ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ФОРУМИ

ди. Бу борада давлат ва жамият қурилиши, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш ва хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўлаб-қувватлашда хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтиришга қаратилган вазифалар амалга оширилмоқда. Ноҳуқумат хотин-қизлар ташкилотлари фуқаролик жамиятининг таркибий қисмига айланишига катта эътибор берилмоқда.

Давлат микёсида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари-

мустақиллигини кенгайтирмай, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириб бўлмайди, деб таъкидланди анжуманда. Шу боис республика раҳбарияти бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Хотин-қизлар бандлиги ва улар учун янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳудудий дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўртбошимизнинг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва жорий йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкни

Эътиборли томони шундаки, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги фаоллигини оширишда ноҳуқумат ташкилотлар ҳам катта роль ўйнамоқда. Бугун республикада ўнлаб шундай ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, улар хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, янги касб ўргатиш, соғлигини яхшилаш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни қўлаб-қувватлаш билан шуғулланмоқда.

Форумда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

«БИЗ ПАРЛАМЕНТ ОЗЧИЛИГИ МУҲОЛИФАТИМИЗ»

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раиси Аслиддин РУСТАМОВ билан суҳбат

— Аслиддин Ашурбоевич, мамлакатимизда янги парламент фаолият кўрсатаётганига ҳам мана бир ярим йил бўляпти. Шу қисқа даврнинг ўзиёқ икки палата парламентнинг афзалликларини намойён этди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида сизнинг фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Ўртимизда икки палата парламентнинг ташкил этилиши ва ўз фаолиятини бошлаши мамлакатимизнинг фуқаролик жамияти сари қўйган яна бир катта ва дадил қадами бўлди, деб бемалол айтишимиз мумкин. Фуқаролик жамияти шак-шубҳасиз қонун устуворлигига асосланади. Бунда мамлакат фуқароларининг қонунларни ишлаб чиқиш, қайта ишлаш, тўлдириш, тахрир

қилиш жараёнида бевосита ва билвосита иштирок этишлари катта аҳамиятга эга.

Биз — Қонунчилик палатаси депутатлари доимий асосда қонунлар устида ишлаймиз. Аввалги чакриқда эса депутатларнинг аксарият қисми сайловчилик орасида бўларди. Қонунчилик жараёнида кўп ҳолларда бир қисм депутат иштирок этиб, қолганлар асосан қонунни тасдиқлашларди. Халқ орасида юрган депутатнинг таърибасидан самарали фойдаланишнинг қандайдир механизми йўқ эди, назаримда. Энди Қонунчилик палатаси депутатлари доим парламентда ўтириб, олдидagi ўз сайловчиларидан узилиб қолмайдими, деган табиий савол туғилиши мумкин. Аммо, палатамиз Регламентини бунинг олди олинган. Биз февраль, май ва ноябрь ойларининг охирига ҳафтасида сайловчиларимиз билан

учрашамиз. Уларни ташвишлантираётган масалалар билан яна бир бор танишамиз. Бу Қонунчилик палатасида ишлаб чиқилаётган ҳар бир қонуннинг бевосита ҳаёт билан боғлиқлигини таъминлайди.

Давлат бюджетни қабул қилиниши олиб кўринг. Ҳозир бу масала дастлаб тегишли кўмига томонидан ташкил қилинадиган турли тадбирларда, фракциялар йиғилишларида вазирилик ва идоралар вакиллари иштирокида қизгин муҳокама қилинади. Сўнгра Қонунчилик палатаси мажлисида молия вазирлиги депутатларнинг ҳар бир саволига батафсил жавоб қайтаради. Бюджет лойиҳалари илгари қузатилмаган тарзда биринчи, депутатларнинг фикр ва тақлифлари инобатга олиниб, иккинчи ўқишда қўриб чиқилмоқда.

2-бет

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 23 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун ҳорийий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади.*

1 Австралия доллари	919,71	1 Малайзия рингити	336,33	10 Жанубий Корея вони	12,88
1 Англия фунт стерлинги	2287,91	1 Польша злотийси	394,71	10 Япония иенаси	109,12
1 Дания кронаси	208,93	1 СДР	1819,04	1 Россия рубли	45,24
1 БАА дирхами	332,61	1 Туркия лираси	823,59	1 Украина гривнаси	241,86
1 АКШ доллари	1221,39	1 Швейцария франки	1002,62		
1 Миср фунти	212,14	1 ЕВРО	1556,78		
1 Исландия кронаси	17,05				
1 Канада доллари	1088,19				
1 Хитой юани	152,34				

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни қўриб қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмага.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, Faks: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

Химмат — буюк сифат

ЭҶСОН — ЭЗГУЛИК ДЕМАҚДИР

Агар инсоният тарихига назар ташласан, одамзот фарзанди узлуksиз равишда маънавий-маърифий юксакликларга интилиб, шарафли, улугвор кашфиётлар қилиш, ўз-ўзини тақомиллаштиришга интилиб келганга гувоҳ бўламиз. Ана шу юксалиш жараёнида муқаддас динларнинг алоҳида ўрни бор. Жумладан, ислом дини ҳам инсон маънавий камолоти учун курашиб, қалб осойишталиги, шукр, қаноат, саховат, муруват каби наҳиб хислатларни тарғиб қилиб келди. Исломининг бош гоёси — бу эзгулик, эзу гулук ва эзу амалдир. Шу боис бу гоёлар асрлар давомида ажодларимиз юрагидан жой олиб, бунёдкорлик ишларига сафарбар эдилар. Президентимиз буни алоҳида таъкидлаб дейдилар:

«Биз, шори эзгулик бўлган бутун дунёдаги аҳли ислом қатори динимизни доимо пок ва соф саклашга интилиб келганимиз. Ва бу йўлдан асло қайтмаймиз. Шунинг учун ҳам динимиздан ҳар хил ғаразли ва нопок мақсадлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.»

Мен илоҳий динимизнинг олижаноб интилишларимизга хизмат қиладиган, хайрли ишларимизда бизга мадад берадиган битмас-туганмас куч-қудрат манбаи бўлиб қолшишга ишонманам.

Дарҳақиқат, муқаддас китобларда ҳақ ва ҳақиқат гоёлари батафсил акс этган. Уларда одамлар олдига «яшилликнинг моҳияти нимадан иборат ва қандай қилиб уни амалга ошириш мумкин?» деган савол қўйлади. Динлар ва уларнинг муқаддас манбалари — Авесто, Қадимги Аҳд, Янги Аҳд, Қуръон, Будда ва Конфуций таълимоти билан таълимнинг асослари, бу саволларга мукамал жавоб олиш мумкинлиги амин бўламиз.

Чунки, яшиллик қилиш гоёси минглаб йиллардан буён кун тартибдан тўшмайди. Келинг, ушбу масаланинг моҳияти хусусида тўхталайлик.

Маълумки, «яшиллик» тушунчаси анча кенг маънога эга. Агар диний талқинларни назарда тутсак, унда раҳм-шафкат, хайр-саховат, беминнат ёрдам, илм-маърифат тарқатиш, савоб ишлар ва эҳсон қилиш каби эзу амаллар ифодаланган. Масалан, эҳсон исломда жуда муҳим амал ҳисобланади. У ймондан кейин турадиган муқомиллик талаби. Эҳсон фақат хайру садақа эмас. Эҳсонли одам том маънодаги эзгуликка йўрилган комил инсон-

дир. У қарами кенг, ўй-фикри, нияти хамиша яшиллик қилишга йўналтирилган химмати баланд, саҳий одамдир.

Бир ҳадисда айтилишича, «Эҳсон қилмоқ, раҳму шафкат ҳар бир мусулмон бурчидир». Эҳсон — бурч, мусулмонлик бурчи. Алишер Навоий «Маҳбуб ул қулуб» асарига ёзади: «Инсоният боғининг дилписандроқ шаъри (дараҳти) эҳсондир ва одамийлик қонининг аржумандроқ (қўмнатлироқ) гавҳари ҳам эҳсондир».

Дарҳақиқат, яшиллик қилган яшиллик кўради. Бировнинг кўнглини кўтариш, қўйин ҳолатдан чиқариш, тўғри йўл кўрсатиш, маънавий мадад бўлиш ҳам эҳсон — яшилликдир. Исломи динида бу хизматлар пухта асослаб берилган. Аммо шу ўринда ҳазрат Навоийнинг мана бу муҳим фикрини ҳам келтириш жоиздир: Барча дину мазҳаб аҳли ва миллатлар олдига яшилликнинг муқофоти фақат яшилликдир, дейилган ва тили муъжизалар сўзловчи Муҳаммад с.а.в. пайгамбаримиз ҳам «Аллоҳ сenga қандай яшиллик қилса, сен ҳам бошқаларга шундай яшиллик қилгин» деб айтибдирлар.

Бу ўринда Алишер Навоий нафақат исломда, балки барча динларда, миллату элатларда яшиллик улуғланганини таъкидлайди. Дарҳақиқат, ҳоқ буддавийлик ёки ҳиндуизм, ҳоқ насронийлик, ислом ёхуд яҳудийлик бўлсин, инсонлар жамиятида бир-бирига ёрдам, яши, савоб ишлар билан ном қозонишга даъват этилади, ноҳуш, ёмон ишлар, ёвузлик қилиш қораланади. Бировнинг ҳақини ема, зино қилма, ёлгон сўзлама, омонатга хиёнат қилма, ноҳақ қон тўкма, ёлгон гувоҳлик берма, одамлар дилини оғритма каби даъватлар барча муқаддас диний китобларнинг асосий устувор гоёларидир.

Бу муқаддас китобларда поқизалик, ҳаққуйлик, саховат улуғланади. Ҳазрат Навоий ҳам эҳсон кўнгли пок, нияти бутун одамда бўлади, деб қайта-қайта ўқитиради. Демак, «дин — бу ахлоқдир» деган ҳадиснинг маъноси гоёят кенг ва чуқур эканини аниқлатади. Ахлоқан етук, фозил бўлмаган одам муҳсин — эҳсонли бўлиши қийин. Эҳсон, биринчи гада, қалб амри, фиторий хислат. Киши Аллоҳ ишларига собит бўлса, қалби эҳсонга, эзгуликка мойил бўлади. Хожа Аҳрор Валини биров мажбур қилгани йўқ, аммо ул зот умр бўйи одамлар хизматида бўлди, шоҳу гадо, дарвешу деҳқонга бирдек хизмат қилди.

«Рашаҳот» китобида ул киши тилидан бундай дейилади:

«Зикр ва муқоабат шундай вақтда бўлсинки, бирор мусулмонга хизмат қилиш, роҳат етказиш вақти бўлмас. Ва кўнгуларга роҳат бағишловчи хизмат зикру муқоабатдан муқаддамдир. Ва баъзилар гумон қилиб-дурларким навофил (нафл — қўшимча намаз) ибодатга иштигол этмак хизматдан авлотурур, аммо хизматнинг самараси муҳаббат ва кўнгуларда тамкиндурур... Кўнгулар эҳсон этувчи кишининг муҳаббатига ва уни дўст тутмоқга мажбуртурур».

Яъни, бировга хизмат қилиб, хожатини чиқариш, хурсанд қилиш қўшимча ибодат ва сўфияна муқоабатдан (тафаккур берилиш) афзал, чунки бунда одамларнинг муҳаббати қозонилади, яшиллик кўрган одам бошқаларга яшилликлар қилади ва натижада, одамлар орасида меҳр-муҳаббат ортади, иноқ-иттифоқлик кучаяди. Бу эса Аллоҳ наздида, энг улуг савоб ишлардан ҳисобланади.

Қуръони қаримнинг «Бақара» сурасида шундай муқаддас оятлар бор:

148. Бас, хайрли ишларда ўзиб кетингиз!

177. Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларга буриб (ибодат қилишингизнинг ўзи тўла) яшиллик эмас, балки Аллоҳга, охират қунига, фаришталарга, китобларга, пайгамбарларга имон келтирган, ўзи яши кўрган молидан қариндошларига, етимларга, мискинларга, йўловчига, тиланчиларга... берадиганлар яши кишилардир.

195. Аллоҳ йўлида (бойликларингиздан) сарфлангиз ва ўз кўлларингиз (баҳиллик қилиш) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз! (Барча ишларни) чироили қилингиз. Албатта, Аллоҳ чироили (иш) қилувчиларни яши кўради.

261. Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобинин) мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошқондан юзтадан дони бўлган еттига бошқонни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга янада кўпайтириб (савоб) беради. Аллоҳ (қарами) кенг ва билимдондир.

272. ...Неки қилган хайр-эҳсонларингиз бўлса, у ўзингиз учундир. Фақат Аллоҳнинг «юзи» учунгина эҳсон қилгайсиз. Қилган ҳар бир хайр-эҳсонларингиз (савоби) сизларга адолатсизлик қилмаган ҳолда мукамал қайтарилир.

Халқда шундай ҳикмат бор:

одам яшиллик қилса, ўзини кўрсатиб қўйиш, бировларнинг номини улуглашлари учун қилмайди. Бу шундай олижаноб ҳиссиётки, у биров томонидан ўқдирилмайди, тайинланмайди. Илоҳий куч шундай қилиш кераклигини қалбимизга солади, қўлоқимизга қўяди, шуғримизга синдиради. Биз белхитёр эзгуликка қўл урамиз. Хожатманд одамнинг оғирини енгили қилиш учун сизда самимий иштиёқ пайдо бўлади.

Тўғри, бу хоҳиш бирданига юз бермайди. Бирор юмушни бажаришга иштиёқ уйғотувчи ёки шунга ишонтурувчи тўғрино ҳосил қилмаган шарт-шароит асос бўлган бўлиши мумкин. Эътибор берсангиз, ҳаётингизда рўй берган воқеа-ҳодисалар, учратган кишиларингиз ёки сиз орау қилган нарсалар тушингизга қиради. Худди шунингдек, одам ҳамма нарсага осонгина, дарҳол ишона қолмайди. Айтиб ўтилган асос — бу дидактик адабиёт, панднома, ўғитлар, ҳикматлар, ҳадислар, динлар тарихи, ажойиб одамлар ҳаёти — ишонч ҳосил қилувчи замин ҳисобланади. Ана шу асос ёки шарт-шароит дин, одоб-ахлоқ ва ҳуқуқ сингари бизни бошқаради. Тўғри юриш-туриш, яши-ёмонни ажратиб олиш ва ҳоқозорларда бу мумкин ёки мумкин эмас деб ослатиб туради. Кўзи ожиз одам йўлдан ўта олмай турса, биз бировдан «шу кишини ўтказиб қўйсам бўладими?» деб сўраб ўтирмаймиз. Бир бечора садақа сўраб, қўл чўзиб турса, беихтиёр эҳсон қиласиз. Кейин, эвазига ҳеч нарса сўрамайсиз, тама қилиш ҳаёлингиз ҳам келмайди.

Ўзбек халқ мақолида «Яшиллик қил: сувга ташла — халқ билар, халқ билмас, холиқ билар, холиқ билмас, балиқ билар» дейилади.

Демак, асосий вазифа шундаки, муқаддас ҳикматларни шунчаки, нутқини бешаз учун ўқиш ёки улардан фойдаланиш мақсадидагина эмас, балки уларни теран таҳлил қилгач, мазмунини тўғри ифодалаш ва ўзлаштириб олиш зарур. Кейин эса бу ҳикмат дурдоналарини амалда қўллаш, яъни уларни ҳаётий дастурамаламаларга айлантириб олиш лозим. Барқамол шахсни шакллантиришнинг битта йўли шу.

(Давоми бор).
**Нажмиддин КОМИЛОВ,
Комил ЖўРАЕВ**



ИСПАНИЯ

Испания бош вазири Хосе Луис Родригес Сапатеиро июнь ойида басқларнинг «ЭТА» айримчи гуруҳи билан тўғридан-тўғри мулоқотлар бошлангани ҳақида маълум қилди.

Шу йилнинг 22 мартида «ЭТА» 30 йил давомида Басқлар мамлакатини эълон қилиб турган даврда 1992 йилда черногорияликларнинг 96 фози Сербия билан федерацияда қолиш учун овоз берди.

Бирок Сербия президенти Слободан Милошевичнинг Хорватия ва Боснияга нисбатан тажовузкорона сиёсати Черногорияга ҳам таъсир қилди. У ҳам БМТ санкциясига учраган давлатлар сирасига кириб қолди. 1999 йилда Милошевичнинг Косоводаги сиёсати Югославия бошига НАТО бомбаларини ёғдирганида Черногория етакчиси Джуканович

СЕРБИЯ ВА ЧЕРНОГОРИЯ

Черногорияда Сербиядан ажралиш бўйича референдум бўлиб ўтди. Сайлов комиссияси вакилининг маълум қилишича, сайловчиларнинг 55 фоздан ошкироғи Сербиядан ажралиш учун овоз берган. Бу маълумотларнинг тасдиқланиши собиқ Югославиянинг таъмин парчаланиб кетишини англатади.

Биринчи жаҳон уруши тугаётганда Черногория мустақил давлат бўлган. У коммунистик Югославия таркибидagi давлатлар ичида Сербиянинг энг ишончли хамқори бўлиб қолди. XX асрнинг 90-йилларида собиқ Югославиянинг Босния ва Герцоговина, Словения, Хорватия ва Македония каби давлатлари мустақиллик сари йўл олишган бўлса, 1992 йилда черногорияликларнинг 96 фози Сербия билан федерацияда қолиш учун овоз берди.

Бирок Сербия президенти Слободан Милошевичнинг Хорватия ва Боснияга нисбатан тажовузкорона сиёсати Черногорияга ҳам таъсир қилди. У ҳам БМТ санкциясига учраган давлатлар сирасига кириб қолди. 1999 йилда Милошевичнинг Косоводаги сиёсати Югославия бошига НАТО бомбаларини ёғдирганида Черногория етакчиси Джуканович



унинг давлати бунда иштирок этмаслигини билдирган. Джуканович Сербия билан алоқаларини музлатиб, мустақил сифат олиб борди.

Бирок ўшанда мустақиллик ҳақидаги референдум Европа Иттифоқи илтимоси билан қолдирилган. ЕИ Болкондаги худудий бошбошқоқликдан хавотирда эди.

2003 йилда Сербия ва Черногориянинг конфедератив бирлашмаси тузилган.

— Қўсқасини айтадиган бўлсак, биз тақдиримизни кимнингдир қарорларига қараб белгилamoқчи эмасмиз. Собиқ Югославия парчаланган, Черногория Сербия билан битта давлат бўлди. Бирок бир давлат ўзидан 15 баробар катта бўлган давлат билан иттифоқчилик қила олмас экан. Ҳар бир давлат ўз валютаси, солиқ тизими, боғжонасига эга. Иккаласида ҳам полиция ва ҳавфсизлик кучлари мавжуд. Шундай бўлса, баъзи масалаларда Черногория Белград қўлида гаровда қолган. Мисол учун Белград Гага трибуналига Ратко Младични топширишдан бош тортгани учун ЕИ ҳам Сербияни, ҳам Черногорияни жазолади, — дея жавоб берди Черногория бош вазири Мило Джуканович мустақиллик ҳақидаги саволга.

Мустақиллик ҳаракатини бошқараётган Мило Джуканович Сербиядан ажралиш Европа билан интеграциялашувни тезлаштириши деган фикрда.



Замонавий Қоҳира кўриниши (Миск)

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер № 7 на 2006 год на приобретение ниже перечисленных материалов и запасных частей согласно графика поставок (3-4 квартал 2006 года) по лотам:

1. Проволока из углеродистой стали для армирования предварительно напряженных ЖБК ГОСТ 7348-81 Вр-2, класс прочности 1500, диам. 3.0 мм в количестве 1000 тонн.
 2. Проволока из углеродистой стали для армирования предварительно напряженных ЖБК ГОСТ 7348-81 В-1, класс прочности 1400, диам. 5.0 мм в количестве 500 тонн.
 3. Секции радиатора 7317.000 в количестве 1000 шт.
 4. Секции радиатора 7317.200 в количестве 1000 шт.
- За тендерной документацией обращаться по адресу: г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари», Управление «Темирйўленилгитамин», комната 410. Тел: 138-85-70, 138-84-72, 138-86-34.
- Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.



Иқтисодиёт ва илёт

Қадим қўлэмаларда: «Хайрли, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзишга шошилинг» деган ҳикмати қалима бор. Бунинг маъноси шунки, имконияти етарли бўлган ҳар бир киши яшиллик қилиши, муҳтожларга ёрдам бериши лозим. Зеро, 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган замирида ҳам ана шундай эзу нияти ётибди.

Қашқадарё вилояти, Нишон туманидаги «Хўжаёр ота» фермер ҳўжалиги раиси Тўра Раҳмонов ҳам ана шундай савоб-талаб юртовларимиздан. Фермер ҳўжалиги ўз фаолияти давомида 55 миллион 565 миң сўмлик ҳомийлик ишларини амалга оширди. Шу йилнинг бошларида эса Нишон туман шифохонасига «Дамас» русумли тез ёрдам машинаси олиб берди. Яқинда Тўра Раҳмонов яна бир хайрли ишни бошлаб юбормоқчи. Яъни, ўз маблағи ҳисобидан туманда қишлоқ врачлик пунктини, замонавий спорт майдончаси бунёд этиш йўлида анчагина ишлар амалга оширилди.

Шу ўринда савол турғилади: хўш, фермер шунча хайрли ишлар учун маблағни қаердан олапти?

— Маблаг топиш учун меҳнат қилиш керак, — дейди фермер ҳўжалиги раиси Тўра Раҳмонов. — Биргина ўтган йилни олайлик. 55 гектар майдонга чигит экиб, меҳр билан парваршиш қилдик. Ҳар гектар ердан 57,3 центнердан хирмон уйдик. 315 тонна сифатли пах-

— дейди доно халқимиз. 2002 йилда Президентимизнинг Фармонига биноан «Меҳнат шукрати» ордени билан муқофотландим. Пахта ва галладан мўл ҳосил олганлигимиз учун вазирликнинг «УАЗ» — 31512/6 (тентли) автомашинаси билан тақдирландик. Муқофотлар одами янги марраларча илхомлантираркан. Ҳисоб рақамимиз акциядорлик-тижорат «Микрокредитбанк»нинг Қашқадарё вилоят бошқармасида эканлиги ҳам бизга қўл келяпти...

Акциядорлик-тижорат «Тадбиркорбанк» негизда ташкил этилган «Микрокредитбанк» сўмлик кредит берилди. Ушбу маблағлар халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига йўналтирилди. Жумладан, Китоб тумани бўлими томонидан хизмат кўрсатилаётган 225-кўча механизациялашган колоннага шу тумандаги Ж.Турдиев номили ширкат ҳўжалигида 600 ўқувчига мўлжалланган касб-хўра қолжега ва 35 ўринли ётоқхона қуриб бериши учун 328 млн. сўм кредит берилди. Ушбу қарз 1 йил давомида сўндирилди. Амрулло Чориев раҳбарлигидаги Ш.Рашидов номили ширкат ҳўжалиги «Дон» ғалла ўриш комбайни сотиб олиш учун ўтган йилнинг

175803 миң сўм бўлиб, банк кассасига топширилган пул 742223 миң сўми ташкил этди. Шу билан бирга банк мижозлари бўлган фермер ва ширкат ҳўжалиқлари банкнинг 211082 миң сўмлик лизинг хизматларидан фойдаланиб келмоқдалар.

— Банктан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш ҳисобида биринчи даражали тўловларни, жумладан: иш ҳақи, пенсия, нафақа ҳамда қонун ҳўжатларида назарда тутилган бошқа тўловларни, вақтида нақд пул билан таъминлашни янада яшиллаш, аҳолининг бўш пул маблағла-

рида фаолият кўрсатаётган пенсия ва бюджет қорхоналарининг иш ҳақи ва нафақа тўловларига ҳамда бошқа тўловларга йўналтирилди. Қарздорлик 2006 йил 1 январь ҳолатига тўлиқ тугатилди.

Бошқарма бўлимида уст-тав капитални ошириш мақсадида 2006 йил 1 январь ҳолатига жами акция режаси 604552 миң сўм белгиланган эди. Амалда эса бу кўрсаткич — 605485 миң сўми ташкил этди ёки 100,2 фозига бажарилди.

2005 йил давомида нақд пул тушумини кўпайтириш, коммунал тўловларини йиғиш учун жами 9 та жойда кўча кассалар ташкил этилди. Уларнинг

«ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ!»

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРAT «МИКРОКРЕДИТБАНК» ҚАШҚАДАРЕ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ СЎЗИДАН

ли аҳолига хизмат кўрсатиш, махсус цехда ҳар хил турда макарон ишлаб чиқариш, қолип-ли бўлга нон тайёрлаш каби тадбиркорлик фаолияти турлари билан ҳам шуғулланаямиз.

Утган йили экин майдонларимиз кенгайди. Тендерда ғалиб чиқиб, яна 85 гектар ерга эга бўлдик. Ҳозир ана шу 85 гектар майдонда бошқоқчи дон экинларимиз авжи яши. 100 гектар ерда эса пахта етиштиряймиз. Мўлжалимиз бу йил ўтган йилгидан ҳам кўпроқ — давлатга 500 тонна дон, 600 тонна пахта сотиш...

— **Ютуқларингизнинг омилирари ҳақида ҳам тўхтасангиз...**

— Меҳнат қилган элда азиз

Қашқадарё вилоят бошқармаси ходимларининг ўзига хос шiori: «Кичик бизнес субъекти билан қўл улаш мададкоримиз». Бошқарма бўйича 9 та филиал, 26 та миңибанк фаолият юрятаётир. 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига мижозлар сони 9531 нафардан ошиб кетди. Энг муҳими, бошқарма ходимлари кичик ва хусусий бизнес субъектларига кредит ажратишда ижобий натижаларга эришмоқдалар. Масалан, ўтган йилли банк ўз маблағи ҳисобидан 1 млрд. 441 млн. сўм кредит ажратишни режалаштирган эди. Бу кўрсаткич ортияги билан уддаланди. Мижозлар сони 1 млрд. 495 млн 800 миң

рени банк кассасига жалб қилиш ишларини янада жонлантириш, омонатчиларнинг шартномада белгиланган мажбуриятлари муддатда бажарилишини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилаямиз, — дейди бошқарма бошлиғи Ақром Сулаймонов. — Аҳоли жамғармалари ва ҳўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк омонатларига, айниқса, муддатли депозитларга жалб этиш учун қўлай шарт-шароитлар яратилган.

Мижозларни нақд пул маблағлари билан таъминлаш борасида тижорат банкларининг бўлими билан бирга қўл улаш келиб тушаётган шикоят ва муурожаатларни тартибли қайд

АҚШ доллар микдориди товар импортга эришилди.

2005 йил давомида эса 3 та, жами 670500 АҚШ долларлик экспорт шартномаси рўйхатга олинган бўлиб, шу шартномалар бўйича 54000 АҚШ доллари микдориди валюта тушуми бўлган ва шунга яраша махсуслот экспорт қилинди. Импорт шартномалари бўйича 2 та импорт (43325 АҚШ долларида), шундан конвенция бўйича 1 та (17025 АҚШ долларида) банкда рўйхатга олинган ва 17025 АҚШ доллари микдориди товар импорт қилинган. Вилоят бўйича банкнинг 10 та валюта айирбошлаш шахобчалари мавжуд.

2004 йил давомида валюта айирбошлаш шахобчалари то-

Шоҳидар МИРҲАБИБОВ,
Мирзахон МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон ОВОЗИ»
махсус мухбирлари

